Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 3 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (13.108)

Баҳоси эркин нархда

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари бошланди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим, касб-ҳунарларни пухта эгаллаши билан бирга уларнинг онгу қалбида эзгу фазилатлар, Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурмат туйғуларини камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирлари ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

– Келажагимизворисларига Мустақиллик халқимиз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, бугунги тинчлик-тотувликнинг қадр-қимматини чуқур англатиш – давр талаби, – дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамолиддин Узоқов. – Бу ҳар бир таълим даргоҳида ўқувчи-талабалар ёшига мос таъсирчан услуб ва интерфаол шаклларда, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда сингдирилмоқда.

...Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида тадбир доирасида юртимизда мустақилликка бўлган давр ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар акс этган фотокўргазма ташкил этилди. "Кеча ва бугун" номли стендда таълим муассасаси қиёфаси, моддий-техник базасининг олдинги ва бугунги ҳолати акс этган фотосуратлар қисқача изоҳлар билан жойлаштирилган. "Ибратли йўл" номли стендда мазкур таълим муассасасида таълим-тарбия олган, бугунги кунда давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган собиқ ўқувчиларнинг, шунингдек, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг фотосурати, уларнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқача маълумотлар акс этган.

Тадбир аввалида йиғилганларга мустақиллик йилларида мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар, миллий армиямизнинг салоҳияти акс эттирилган, шунингдек, бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида юз бераётган нотинчликлар, диний экстремистик хунрезликлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини очиб беришга қаратилган видеороликлар намойиш этилди.

Санъаткорлар иштирокидаги учрашувда миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, уларнинг жамиятда ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, фарзандларнинг ўз ота-оналари ва Ватани олдидаги бурчи, касб-ҳунарга эга бўлишнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Тадбирлар қизғин баҳсларга, савол-жавобларга бой ўтмоқда, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ойбек Қодиров. – Бу ёшларимизнинг Президентимиз орзу қилган ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етаётганидан, дунёқараши юксалаётгани, Ватанимиз тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолатдир.

– Бугунги дориломон кунларга халқимиз қандай машаққат эвазига эришганини, мустақиллик нақадар азиз неъмат эканини яна бир бор англадик, – дейди ЎзА мухбирига мактаб ўқувчиси Асилбек Усмонов. – Бу бизни Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради, келажакка комил ишонч билан боқишга ундайди.

Бундай тадбирлар таълим муассасалари, маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ўтказилмоқда.

Дилшод КАРИМОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎзА олган сурат

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

БАХТЛИ АЁЛЛАР МАМЛАКАТИ

Аёл – ҳаёт давомчиси, миллат келажаги, латофат ва нафосат соҳибаси. Аёлларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш – бизга ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга, уларнинг оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби ишларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ўйлар эканман, болалигимда икки аёлнинг ўз ҳаёти ҳақида айтиб берган мунгли ҳикоялари ёдимга тушади. Иккови ҳам ота-онадан эрта жудо бўлган, иккови ҳам етимлик жабрини тортган. Улар менинг бувиларим. Бири – дадамнинг онаси Робия момом, иккинчиси – онамнинг онаси Шакархон момом. Боболарим миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари бўлгани боис уларнинг оилалари, фарзандлари, яқинлари қатағонга учраб, сарсон-саргардонликда кун кечирган. Болалиги, ёшлиги қайғуга тўла бувиларим ҳаётни бола-бақра, уй-жой, рўзғор ташвишидан иборат, деб билган. Бувиларим сиймосида мен том маънода сабр-қаноатли, оқила, фидойи ўзбек аёлларини кўрганман.

Ўша даврларда рўзғор ва дала ташвишлари асосан аёлнинг нозик елкасига ортилганди. Аёл эрта тонгдан тандирда нон ёпиши, кейин бола-чақа, сигир-бузоқ, қўй-эчкини тўйдириши, ўчокда сув қайнатиб кир ювиши, дала ишларини бажариши, шом қоронғусида даладан қайтиб, қора қозонни қайнатиши зарур эди. Ачинарлиси, аёл бу юмушларни бетоблигида ҳам, ҳомиладорлигида ҳам, эмизикли даврида ҳам бажарарди.

Кундалик ташвишлардан ташқари аёлнинг мавсумий ишлари ҳам кўп бўларди. Тандир-ўчокда ёқиш учун келтирилган ғўзапоядаги кўсакларда қолиб кетган пахталар, эчкию қўй жунлари қишнинг узоқ, қоронғу кечаларида аёллар қўлидан тушмасди. Қора чироқнинг ғира-шира ёруғида улар бирма-бир қўлдан ўтказиб титилар, урчуқда йигирилиб, ип қилинарди. Ана шу узун кечаларда киши кўзини қувонтирувчи каштаю сўзаналар яратилар, бўй қизларнинг сепини безатувчи ёстиқ жилдлари, сочиқлар, рўмолчаларга чиройли нақшлар тикиларди.

Баҳор келиб кунлар қизигач, иплар турли рангларга бўялиб, қуритиларди. Ёзда улардан гиламлар, шолчалар тўқиларди. Кийим-кечаклар, кўрпаю ёстиқлар, пўстаклар – барчасини аёллар тайёрларди.

Ўша давр аёллари ҳаётини кўз олдимга келтирар эканман, турмуш шароитининг оғирлигидан нолимай, барча кийинчиликларни сабр-қаноат билан енгиб ўтиб, бир умр одобахлоқ чегарасидан чиқмай, муқаддас аёллик шаънига, ор-номусига доғ туширмай яшаганларига қойил қоламан, тасаннолар айтаман: улар одам қиёфасидаги париларми ёки пари қиёфасидаги одамларми-ди?!

Сочи супурги, қўли косов бувиларимнинг ўзига оро бериш у ёқда турсин, ўсма қўйганини ҳам эслай олмайман. Дам олиш, соғлиғини тиклаш, бирон бир шифохонада (у пайтларда шифохона ноёб ҳодиса эди) ётиб даволаниш деган гаплар уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Қисматнинг қора кунлари, турмуш машаққатлари уларнинг соғлиғига, умрига зомин бўлди. Шакархон бувим 56 ёшда, Робия бувим 63 ёшда вафот этди... Улар дунёга келиб нима кўрди?

(Давоми 3-бетда)

Тошкентдаги Ўзбекистон – Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида грант шартномалари имзоланди.

ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, халқ таълими вазири ўринбосари У.Абруев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Като ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳалар қатори молиявий-техникавий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда.

Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг АҚШ долларидан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Навбатдаги грант шартномалари умумий қиймати 566 минг доллардан зиёд 11 лойиҳадан иборат. Унга кўра, мамлакатимиздаги бир қатор таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб, Бухоро шаҳри, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва умумтаълим мактаблари, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи, Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим муассасаси, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмаси, Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Номданак" қишлоқ врачлик пункти ҳамда мазкур вилоятдаги ногиронларни реабилитация қилиш марказини ўқув ва тиббий асбоб-ускуналар, мебель жиҳозлари билан таъминлаш режалаштирилган.

– Жорий йилда амалга ошириладиган мазкур лойиҳаларнинг мақсад ва вазифалари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир, – деди Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. – Бундай лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Тақдим этилган грант маблағлари эвазига муассасамизни замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлашни режалаштирганмиз, – деди Самарқанд шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Жамила Жомназарова. – Бу каби лойиҳалар ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсон этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган бундай лойиҳалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш баробарида, мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ва серқирра муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги 2-академик лицейда "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги чет тили ўқитувчиларининг халқаро андозаларга мос билимга эга бўлишига эришиш" мавзусида ўтказилган семинар-тренингда 10 академик лицей ва 93 касб-ҳунар коллежининг ўқитувчилари иштирок этди.**

● **Урганчда тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов "Мўъжиза яратар аёл қўллари" деб номланди. Танловда вилоятдаги юзга яқин тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлар аёллар ва болалар учун тайёрлаган кийимлари билан иштирок этди. "Энг ёш миллий либослар дизайнери", "Энг яхши қўлигул чевар", "Энг яхши каштачи", "Энг яхши тикувчи" каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.**

● **Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станциясида жорий мавсумда 1 миллион тупдан ортиқ ток ва 320 мингга яқин мевали дарахт кўчатлари тайёрланди. Айни пайтда ушбу кўчатлар юртимизнинг турли ҳудудларидаги фермер хўжаликлари, агрофирмалар билан тузилган шартнома асосида етказиб берилмоқда.**

● **Термизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмарка давомида кўплаб ёш мутахассисларга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.**

ЖАҲОНДА

● **Кеча эрталаб АҚШнинг Алабама штатида жойлашган йирик Бирмингем шаҳрининг жануби-ғарбий тарафида жойлашган Бессемер шаҳрига торнадонинг хуруж қилиши натижасида тўрт киши жабрланди.**

● **Тбилисидаги Шота Руставели номидаги халқаро аэропортда жорий йилнинг биринчи мартидан биринчи июлига қадар самолётларга хизмат кўрсатишнинг махсус вақтинчалик жадвали жорий этилди. Унга кўра, шу вақт давомида аэропортдан кундузги рейслар амалга оширилмайди.**

● **Филиппин қирғоқларида бортида мўмиёли тана бўлган яхта топилди. Қизиғи шундаки, юрак хуружи туфайли ҳаётдан кўз юмган яхта капитанининг танаси вақт ўтиши билан мўмиёга айланган. Бундай ғаройиб ҳолат қуруқ тузли ҳаво ва юқори ҳарорат натижасида юзага келган.**

МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили иштирок этди ва вакилликнинг ўтган 2015 йил фаолияти якунлари ҳақида ҳисобот берди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2015 йил давомида вакиллик томонидан бир қанча самарали ишлар амалга оширилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг янги чақириқдаги парламентнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида билдирилган биринчи навбатда, фракциялар ва маҳаллий депутатлар гуруҳларининг ишлари сифат жиҳатидан янгича асосда ташкил этилиши керак деган фикрларидан келиб чиқиб, Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги томонидан Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланди.

Шунингдек, Омбудсман ўзининг фаолияти даврида депутатлар гуруҳларининг назорат-таҳлил тадбирларида фаол иштирок этди, фаолиятдаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, амнистия акти қўлланилишини мониторинг қилиш унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллигининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар нормаларига қатъий мувофиқликда амалга оширилди.

Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта, шунингдек, "Ишонч телефони" орқали, шахсан қабул қилиш ва жойлардаги учрашувлар давомида мурожаат этдилар.

Ҳисобот даврида, Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакилига фуқаролардан умумий ҳисобда 248 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 37 таси почта орқали, 27 таси Республика Омбудсманининг котибиятидан олинди, 211 та мурожаат минтақавий вакиллик ходимларининг шахсий қабулига тўғри келди.

Мурожаатларнинг 177 тасига оғзаки тавсия, тушунтириш ва маслаҳатлар берилган бўлса, 14 та мурожаатга "Ишонч телефони" орқали жавоб қайтарилди.

Мурожаатларнинг 133 таси аёллар ва 105 таси эркаклар номидан келиб тушган бўлиб, қолган 10 таси жамоа-кўпчилик номидан юборилган.

Фуқаролардан умумий келиб тушган мурожаатлар мазмунининг асосий қисми, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қароридан норозилик, суд қарорининг ижро этилмаётганлиги, нафақа ва моддий ёрдам олиш масаласи, оилавий ва маиший масалалар, уй-жой олиш масалалари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Фуқаролар мурожаатларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, минтақавий вакиллик томонидан ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларга чиқиб ёки ариза муаллифлари ҳамда ушбу ишга алоқадор юридик шахсларни вакилликка жалб қилиб муаммоларни ўрганиш билан бирга, кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жами 60 та мурожаатлар 30 га яқин мутасадди ташкилотларга юборилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, пенсия жамғармаси, Суд қарорларини ижро этиш департаменти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шулар жумласидандир.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Миробод тумани бўйича 24 та, Олмазор туманидан 25 та, Сергели туманидан 25 та, Чилонзор тумани бўйича 20 та, Шайхонтоҳур туманидан 22 та, Юнусобод туманидан 27 та ва Яшнобод тумани бўйича 28 тага тўғри келади. Яъни аксарият мурожаатлар юқоридаги туманлардан тушган.

Вакиллик номига ҳисобот даврида келиб тушган мурожаатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, аҳолининг давлатимизда амалга оширилаётган, изчил ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганлиги, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши англаганликлари яққол намоён бўлмоқда.

Зеро, Юртбошимиз "Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, улар кимнингдир арз-доди, керак бўлса дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди" деган эдилар.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланган одам савдосига қарши курашиш бўйича, Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссиясининг 2013 йил 13 ноябрдаги йиғилишининг 5-сонли баённомасига кўра минтақавий Вакил Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияси" ва "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссияси"га аъзо этиб киритилган бўлиб, мазкур комиссиялар томонидан олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этди.

Ўтган 2015 йил мобайнида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий йўналишларни ўз ичига олган чора-тадбирлар режаси доирасида бир қанча самарали ишларни амалга оширди. 2016 йил ҳамда ундан кейинги даврларда ҳам ушбу тадбирларни давом эттириш режалаштирилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш Омбудсманнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шу боис доимий равишда ахборот-маърифий тадбирлар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказиб келинмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишлар ташкил қилиниб, ноширлик фаолиятида иштирок этилди.

Бўлиб ўтган йиғилиш давомида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазалардан келиб чиқиб, минтақавий вакилликнинг 2016 йилда амалга оширадиган энг муҳим устувор вазифалари белгилаб олинди. Хусусан:

— Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратиш.

— Иқтисодиётнинг реал сектори вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этиш.

— Ҳуқуқий таълимни яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш тадбирларини мунтазам равишда ўтказиш.

— Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқларини, миллий ҳунармандчиликни, оилавий тадбиркорликни, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш.

— Омбудсман фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

— Давлат ва жамият томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш.

— Ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, малакали тиббий хизмат ва таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, қулай турмуш шароитларини яратиш бўйича ишларни янада такомиллаштириш.

— Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини кўпроқ ўтказиш, табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллигининг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳалқнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини доимий ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ш.МУХАМЕДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ 2016 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда "транспорт воситаларининг" деб юритилади) 2016 йилда мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда матнда "техник кўриги" деб юритилади) ташкил қилиш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБнинг мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2016 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2016 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳрида транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар — бир йилда икки марта (биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалардан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) — бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка шатакчи (транспорт воситаси шатакчи деб ҳисобланган пайтда) учун белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказилади.

4. Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2014 йил 3 сентябрда тасдиқланган хулосасига мувофиқ, мазкур қарорнинг 2-иловасидаги юридик шахсларга тегишли, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамаларнинг техник кўриги ДЙҲХХ ходимлари иштирокида, тузилган шартнома асосида "Texnik dizel servis" МЧЖ ҳудудида ўтказилиши инобатга олинсин.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

6. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

7. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (Б.Маменов), туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситаларини кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (Б.Маменов):

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда, техник кўрикдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

техник кўрикка қўйилган, бироқ техник носозлик туфайли кўрикдан ўтмаган трамвайлар фойдаланиш учун қўйилмаслиги назоратга олинсин;

техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

9. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

10. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 1 март

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши томонидан Миробод енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида битирувчилар учун "Бўлажак тадбиркор – келажакка пойдевор" мавзуида тадбир ташкил этилди.

Касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу билан бирга давлатимиз томонидан ёшларга соҳада яратилган кенг имкониятлар билан таништириш мақсадида танлов бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва қатор тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" ҳамда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловлари йигит-қизларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик қилиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда битирувчилар икки гуруҳга бўлиниб, 4 та шарт бўйича беллашдилар. Биринчи шартда битирувчилар ўзлари жамоа номини таҳлил қилиб, Европа давлатларидаги тадбиркорлик фаолияти ҳақида маълумотларни сўзлашган бўлишса, иккинчи шартда икки турдаги бизнесни танлаб, бу борадаги билимларини намоён этишди. Жумладан, бизнес режа қандай тузилади, рўйхатдан ўтиш қоидалари, ижтимоий тадбиркорлик фаолияти ҳақида маълумот беришди. 3-шарт тадбиркорлик соҳасига доир савол-жавоб шаклида ўтказилди. Тадбирнинг 4-шарти эркин мавзуда бўлиб унда тадбиркорлик соҳасига доир қизиқарли саҳна кўринишини намойиш этишди.

— Юртимизда ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ Миробод тумани Кенгаши раиси Саидрасул Саидханов. — Тижорат банклари мутахассислари иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга бизнес режа тузишдан иш юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Битирувчилар билан суҳбатлашганимизда уларнинг аксарияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан коллеж битирувчилари учун ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" танловида иштирок этишларини ва албатта танловда ғолиб бўлиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш ниятлари борлигини таъкидлашмоқда. Бу эса келажак авлоднинг порлоқ мақсадлар сари одимлаётганидан дарак беради.

Қизиқарли тарзда кечган танловда ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланган "Брокерлар" жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиб жамоа ҳамда иштирокчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Турли мусиқий чиқишлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ — ЭКСПОРТГА

Миллий матбуот марказида "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниясида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Компанияда бозорни маҳаллий рақобатбардош қурилиш материаллари билан янада тўлдириш мақсадида импорт ва экспорт мониторинги олиб борилмоқда. Хусусан, 2012-2015 йилларда импорт қилинган қурилиш материалларининг таҳлили асосида 15 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари аниқланиб, ҳозирда маҳаллийлаштирилмоқда.

"Ўзқурилишматериаллари" таркибидаги 120 дан ортиқ корхонада 2016-2019 йилларда йигирмадан зиёд турдаги маҳсулотни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Санитар-техник сопол буюмлар, девор ва шифтлар учун обойлар, композитли материаллар, графит ва фторпластдан ишланган буюмлар, графит билан тўйинган буюмлар, юмшоқ томёпқич материаллари, шиша кристаллит, майоликадан ишланган безакловчи материаллар шулар сирасидандир.

Анжуманда маълум қилинишича, тизимда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётир. Ўтган йили хорижга гипсокартон, оҳак, безакли ғишт, цемент каби қирққа яқин турдаги қурилиш материаллари экспорт қилинди. Жорий йилда уларнинг турини элликка етказиш мўлжалланмоқда.

Кейинги 10 йилда Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллион тоннадан 8,25 миллион тоннага кўпайди. Бунда "Бекободцемент"да қуруқ усулда йилига 850 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилгани, Жиззах вилоятида йилига 350 минг тонна оқ цемент ёки 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқарувчи корхона қуриб битказилгани, Андижон вилоятида "Sing Lida" қўшма корхонаси ва Фарғона вилоятида "Фарғона цемент" жамиятида цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қўл келмоқда.

Тадбирда хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилишга қизиқиши тобора ортаётгани, "Қизилқумцемент", "Кварц", "Самарқанд мармар" каби корхоналардаги давлат улушини чет эллик инвесторларга сотиш, корхоналарга замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш чоралари кўрилаётгани қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

БАХТЛИ АЁЛЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Пойтахтимиздаги "Чинобод" санаторийсида дам олаётган ойимни кўргани бордим. Палатада ўз тенгқурлари билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Улардан ҳол-аҳвол сўрагач, сиҳатгоҳдаги шароит, кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

– Нимасини айтасиз, қизим, бу ерда яратилган шароитдан ҳам, кўрсатилаётган тиббий хизматдан ҳам жуда мамнунмиз. Ошхонадаги тўкин-сочинликни айтмайсизми?! Дим маза, дим маза, – дейди хоразмлик Қурбоной Худоёрова.

– Бизга шундай чиройли шароитларни, тўкин-сочинликни яратиб берган Президентимизга минг раҳмат. Бизни иззат қилганларни Яратганнинг ўзи қўлласин. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, тўкин-сочинликка кўз тегмасин, – дея фотиҳага қўл очишди онахонлар.

Ҳа, мустақиллик туфайли Президентимиз раҳнамолигида аёлларнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароити, ўзига муносабати тубдан ўзгарди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, оғирини енгил қилиш, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саксондан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди, халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан истеъдодини намоён этаётган иқтидорли қизлар тақдирланмоқда. Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси асосида узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган умуммиллий дастур амалга татбиқ этилмоқда. Оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 75,8 ёшга кўтарилгани ушбу эътибор ва ғамхўрликнинг самараси.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мамлакатимизнинг 14 аёли Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Ўзбек аёли дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Ўзбек аёллари орасида 10 мингдан ортиқ олима бўлиб, уларнинг 6 нафари академик. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз 200 нафардан ошди.

Бугун мамлакатимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи маиший электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи чангютгич, кондиционерларга эгалиги аёлларнинг оғирини енгил, рўзғорини фаровон қилмоқда.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, "Гўзаллик салони", модалар ателъеси, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчалари аёллар турмуш маданиятини оширишга, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига хизмат қилмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган "Ўзбекистон аёллари – 2015: ижтимоий ва руҳий ҳолати" мавзуидаги сўровнома натижаларига кўра 97,2 фоиз аёл ўзини бахтли ҳис қилишини, уларнинг аксарияти ўз ҳаётидан мамнунлигини билдирган.

Бугунги ўзбек аёли дунёдаги энг бахтли аёл. У соғлом фарзандларнинг онаси, файзли хонадон, фаровон рўзғор бекаси. Жаннат оналар оёғи остида, деб билган жаннатмонанд юртнинг эрка, бахтиёр фуқароси. Оналаримизнинг тилаклари, дуолари ижобат бўлгай: Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва ободлиги абадий, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик боқий бўлсин!

Гулшод АЗИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Яна баҳор келди. Офтоб борлиқни янада чароғон этди. Баҳор насимларида ўрик гулларининг ҳиди таралади. Мажнунтоллар таъзимда. Довдарахтларда куртаклар бўртган. Майсалар гилами кўм-кўк. Сайроқи қушларнинг нашъу намоси: чуғур-чуғури тинмайди.



ХИЗМАТДА ВА ОИЛАДА ОҚИЛА

Атрофга, Ватан осмонига разм солинг. Файзли, тинч-осойишта ўлка, тип-тиниқ осмон. Ҳароратли қуёш саховат билан барчага бирдай заррин мўъжизакор жилоланаётган нурларини сочмоқда. Қуёш ўз тафти билан гўзал табиатни эркалаб уйғотади. Дилларга баҳорий байрам шукуҳи инади.

Шу онда беихтиёр ажиб ўхшашлик кишини ҳайратга солади. Эътибор беринг-а, аёл ҳам борлиқни забт этаётган мана шу қуёшга ўхшайди. Эрта тонгда фарзандларини, турмуш ўртоғини, қўйинг-чи фаровон яшаётган оиласини уйғотади. Уларга нонушта тайёрлашга ошиқади. Кийимларини тайёрлайди. Ҳализамон боғчага, мактабга, коллеж-лицейга, институтга, ишга, хизматга борадиган барча оила аъзолари учун шошилади, ҳаракат қилади. Ўзи ҳам хизматга кечикмаслиги керак.

Ишонаверинг, аёл албатта барчасига улгуради. Чунки, у муқаддас зот – она. Онанинг миллати бўлмайди. Ҳамма миллатларда оналарнинг алласи, тилаги-истаги бир хил. Йиллар жараёнида оилавий кун тартиби шаклланган, ҳар ишга вақт топа билади. Қанчалар куйдипишди бўлмасин аёл ҳамиша ўз оиласининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони эканлигини меҳри, фидойи меҳнати билан кўрсата билади.

Бугунги жамиятнинг бирор жабҳасини хотин-қизларсиз тасаввур этиш қийин. Ғоятда масъулиятли, оғир, шарафли, кези келганда залворли вазифаларни аёллар нозик елкаларида кўтармоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматларида эл-юрт тинчлиги, осойишталиги учун ички ишлар органларида эркаклар билан бир сафда хизмат қилаётган кўплаб хотин-қиз ходималар ҳақида ҳам мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

"Интерпол"нинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросида Бошқариш ва мувофиқлаштириш маркази бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ирина Будагова, Миллий марказий бюро молия қисми ходимаси, кичик сержант Нилуфар Соҳибова ҳамда Миллий марказий бюронинг Бошқариш ва мувофиқлаштириш маркази Ахборот-таҳлил бўлинмасининг тезкор вакили, катта сержант Татьяна Девятовалар мана бир неча йиллардан бери опа-сингиллардек биргаликда бир сафда хизмат қилишмоқда.

Оила – муқаддас қўрғон. Лавҳамиз қаҳрамонларининг намунали ва мустаҳкам оилалари бор. Улар хизматдан сўнг бўш вақтларида фарзандлари билан оила даврасида ҳамиша бирга бўладилар. Оиланинг қувончли дақиқаларини, завқ-шавққа тўлиб таваллуд кунлар, байрамларни нишонлайдилар. Оила уларга қўшимча куч, ишонч, мустаҳкам ирода ва албатта келажакка умид бағишлайди.

Подполковник И.Будагова хизмат фаолиятини Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказида картотекачи лавозимидан бошлаган. Кейинчалик турли лавозимларда самарали хизмат қилган. 2007 йилдан эса "Интерпол"нинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросида бугунги кунгача ҳар хил лавозимларда хизмат қилмоқда. У ишлаш билан бирга, оиласевар аёл ҳамда тажрибали ходима сифатида Интерпол ММБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ўртасида муносиб обрў-эътиборга эга.

Шу тизимда бирга хизмат қилаётган кичик сержантлар Н.Сахибова ҳамда Т.Девятовалар ҳам ички ишлар органларида дастлаб турли соҳавий хизматларда малака ва кўникмаларини ошириб, ҳозирда "Интерпол"нинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси Молия қисмида ҳамда Ахборот-таҳлил бўлинмасида хизмат вазифаларига виждонан ёндошувчи, берилган топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида аниқ, пухта бажарувчи, компьютер ва ташкилий техника билан ишлашда касбий маҳоратини кўрсатиб келмоқдалар. Ўз хизматлари билан улар шахсий таркиб ўртасида ҳурмат қозонганликларини таъкидлаш ўринлидир.

Бундай комила аёллар қаршисида ҳар доим – энг ноёб туйғулар тароватли баҳор фаслидек ўзига ром этаверади. Баҳор гулларидек нозик яралган, биллурдек нафис аёлларимиз ҳар бир соҳада, ҳар бир тизимида эркаклар билан ёнма-ён экан, дунё гўзаллигини тарк этмайди.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ РИВОЖИ ВА ИНТЕРНЕТ

Ўзбекистон ёшлари нафақат ўзлари туғилиб ўсган ҳудудда, балки бутун жаҳонда эришаётган ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қозонмоқда.

Бунда албатта ёшларнинг хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиргани, уларда замонавий ахборот технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш кўникмаларини тобора чуқур шаклланиб бораётганлиги катта аҳамият касб этмоқда. Интернет – маъжозий маънода ёшларни жаҳон саҳнасига элтувчи энг қисқа йўл вазифасини ўтамоқда.

Бугун Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони ортаётганлиги, қолаверса, ер юзида ҳар сонияда 8 киши интернет орқали турли ижтимоий тармоқларга аъзо бўлаётганлиги унинг қудратли виртуал оламга айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги ахборот коммуникациялари тараққиёти ва интернетнинг чексиз таъсир доираси гўё тўфонда ҳаракатга келган денгиз тўлқинларидек ўзининг ижобий ва салбий томонлари билан исталган ахборот чегараларини ювиб, жамиятнинг барча қатламларига, ҳар бир маҳаллага, қолаверса, ҳар бир оилага кириб келмоқда. Бу даврда ёшларнинг ахборотларни саралай олиш имкониятлари, интернетдан фойдаланиш маданиятининг қай даражада шаклланганлиги барчамизни эътиборимизда бўлиши керак.

"Асалнинг ҳам ози ширин". Доно халқимиз томонидан айтилган ушбу ҳикматли сўзларда таъкидланганидек, ҳар бир нарсанинг ҳам ўз меъёри бўлиши керак. Интернетнинг виртуал оламида ўз ўрнига эга бўлиш билан бир қаторда, ҳақиқий ҳаётда ўз ўрнини йўқотиб қўяётган ёшларимизни тўғри йўлга солиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун бутун дунё "ўргимчак тўри"дан бошқа нарсалар ҳам мавжудлигини ҳис этишларига "туртки" бериш барчамизнинг вазифамиздир. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда барпо этилаётган ёшларга оид инфратузилмалар, болалар спорти объектлари, мусиқа мактаблари ва ёшлар марказлари, энг асосийси, таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий маънодаги "туртки"нинг, шунингдек, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасида кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Дарахт кўчати ёш ниҳол пайтидан бошлаб асраб-авайланса, тўғри парваришланса, албатта, келажакда илдизлари мустаҳкам ва серҳосил дарахтга айланиши мумкин бўлгани каби, жамиятни соғлом фикрловчи, ватанпарвар шахслар билан юксалтириш учун, таълим-тарбия жараёнига ҳам болаликнинг илк даврларидан эътибор қаратиш лозим. Бу борада бизнинг юртимиз жаҳоннинг манаман деган мамлакатларига ўрнак бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон – ёш ниҳоллари ардоқланган юрт.

Камола ХАЙДАРОВА,
Миробод саноат касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Тадбирлар

КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Турин политехника университети қошидаги академик лицейда "Соғлом она — соғлом бола" Давлат дастури доирасида "Қизлар миллат эртаси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ўқувчи-қизлар ўртасида эрта никоҳ ҳолатларининг олдини олиш, оила қуришда ёшнинг аҳамияти, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтиш ҳолатлари ва қизлар одоби тўғрисида сўз юритилди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Халилова оила психологияси фани дарсида оила жамиятнинг асосий негизи, инсон ҳаётида оила қуриш тушунчаси, унинг психологик тартиблари, муҳим вазифалари ҳамда никоҳ ёшини тўғри тарғиб қилиш кераклиги ҳақида тушунча берди.

Дарҳақиқат, турмуш қуриш бу катта бир оиланинг барча юкини ўз елкасига ортиш демакдир. Яъни, оилада катта-ю кичикнинг кўнглини олиш, эрта тонгдан туриб, ўз келинлик вазифасини бажариш ва ҳоказолар. Бунда ёш келин нафақат жисмонан, балки руҳан толиқади. Бу албатта ўз вақтида уй юмушларини қила олмаслик, дарс машғулотларига вақтида қатнашмасликка ҳам олиб боради. Оқибатда тенгдошлари илм олиб, шахс сифатида шаклланиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлаётган бир пайтда у оила юмушларидан ортмайди. Бу ўринда ёшларимиз ўз ҳуқуқларини билишлари, уларни ота-оналарига тўғри тушунтира олишлари, керак бўлса педагог ўқитувчиларидан ёрдам сўрашлари лозим.

Тадбирда ҳар бир инсон ўзининг орзуси ва мақсадига эришиши ҳамда жамиятда мустақил шахс сифатида гавдаланиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, оилавий муҳитни меҳр-муҳаббат, ўзбекона урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, шунингдек, керакли масалаларни оила даврасида муҳокама қилиш, ўзбошимчалик билан бирор тўхтамга келмаслик бу ҳар бир ёшнинг олдига қўйилган аниқ вазифадир.

Барно НОРОВА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан тумандаги "Наққошлик" маҳалла фуқаролар йиғини биносида "Камолот" кутубхонаси ташкил этилди.

МАҲАЛЛАДА "КАМОЛОТ" КУТУБХОНАСИ

Кутубхонани ташкил этишдан кўзланган мақсад маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, турли хилдаги салбий иллатлардан асраб, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, китобга бўлган муҳаббатини уйғотишдан иборат.

— Маҳалламиз ёшларининг қувончлари чексиз, сабаби эндиликда улар ўзи истиқомат қилаётган маҳалла гузарида "Камолот" кутубхонасига эга бўлишди, — дейди "Наққошлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Нишонова. — Ота-оналарга айтар сўзимиз эса фарзандларига кўпроқ китоб совға қилишсин. Маънавияти юксак авлоднинг эртаси порлоқ бўлиши шубҳасиз. Ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга имконият яратган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига миннатдорчилик билдирамиз.

Ташкил этилган кутубхонага ўзбек ва жаҳон ёзувчиларининг "Камолот" кутубхонаси рукни остида чоп этилган, ёшлар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатадиган энг сара асарлари туҳфа этилди.

Азизбек МУРОДИЛЛАЕВ

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ



Шайхонтоҳур туманидаги "Чўпонота" номли маҳалла шаҳримиздаги обод ва ораста масканлардан ҳисобланади. Аҳолиси 6478 нафар, оилалар 1800 та, кўп қаватли уйлар сони 27 та, 758 та ерли хонадонлар жойлашган ушбу маҳалладаги кўп қаватли уйларга 4та ширкат хизмат кўрсатади.

Фуқаролар йиғини раиси А.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, маҳаллада ишлар аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, батартиб тарзда ташкил қилинади, 8 та комиссия иш олиб боради. Айни пайтда баҳорнинг илк кунларида ободончилик ишларига катта эътибор берилмоқда. Наврўз байрамига тайёргарлик ҳозирдан бошлаб юборилган.

— Яқинда 180-ихтисослашган мактабда эрта турмушнинг олдини олиш, эрта туғруқнинг салбий оқибатлари, ёшлар ўртасида турли оқимларга кириб кетишнинг олдини олиш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Феруза Қосимова. — Бу каби тадбирларни ўтказганда ёшларнинг нотўғри йўлларга кириб кетмаслиги учун ҳаётий мисоллар орқали тушунтиришлар берамиз, уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарамиз. Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигида дарсга қатнамаётган ўқувчилар алоҳида назоратга олинади. Ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиб, ҳамкорликда салбий иллатларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Ораста қизлар тўгарагимизнинг 30 та аъзоси бўлиб, машғулотларда оилада ўзини тутиши, орасталик ва шахсий гигиена ахлоқ-одобни ўргатамиз.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларни соғлом тарзда тарбиялаш мақсадида маҳалла ҳудудида 5 та стадион мавжуд. Унда турли мусобақалар ташкил этилади, ўсмирлар, бокс, футбол, қизлар эса гимнастика билан шуғулланишади. Ҳатто, 180-мактабнинг ўзидан ҳам стадионга кириш йўлаги бор. Бундан ташқари, маҳалла қошида тузилган "Оқтепа" футбол жамоаси мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб келади.

Ўйлаймизки, ҳамжиҳатликда йўлга қўйилган ишлар доимо шундай самара беради.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Наврўз — 2016

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАРҲАЁТ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда улардан кенг фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.



Оқил Ғуломов олган сурат

2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланишга оид Давлат дастури бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Тошкент маданият коллежида ташкил этилган "Гулшод" фольклор-этнографик ансамбли ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева ўқувчиларга лапар, алла, аския ва рақс санъати сир-асрорларини ўргатмоқда.

– Қадимдан юртимизда тўй-томошалар, байрамлар ўлан, лапар, айтишувларисиз ўтмаган, – дейди Г.Отабоева. – Айниқса, Наврўз сайлида халқ оғзаки ижоди ҳаммага завқ-шавқ улашган. Фольклор ансамблимизда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларининг ўзига хос қўшиқ ва рақсларини ёшларга ўргатиб келмоқдамиз. Ҳозир жамоамиз билан Наврўз байрамига тайёргарлик кўрмоқдамиз.

"Гулшод" фольклор-этнографик ансамбли мамлакатимиз ва халқаро миқёсда бўладиган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, миллий қадриятларимизни тараннум этаётир. Ўтган йили "Барҳаёт анъаналар" номли республика кўрик-танловида коллежнинг кўплаб ўқувчилари қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Ўзининг мазмундорлиги, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи фольклор халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадиий ифода эттирилган азалий қадриятдир. Миллий қадриятларимизнинг барҳаётлигини намоён этувчи Наврўз умумхалқ байрамининг республика миқёсида кенг нишонланиши натижасида фольклор-этнографик жамоаларининг фаолияти жонланиб бормоқда.

Халқимизнинг ранг-баранг ва бой маданий мероси ёшлар қалбида эзгу ният ва улуғ мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотмоқда.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Саломатлик — туман бойлик

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 2016 йилнинг 1 мартидан 1 апрелига қадар республикамизда "Патронаж ойлиги" эълон қилинди. Шу муносабат билан пойтахтимизда ҳам ушбу ойликка жиддий тайёргарлик кўрилиб, уни самарали ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, "Патронаж ойлиги" Республика бўйлаб барча бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида ўтказилади. Асосий мақсад "Соғлом она ва бола йили"да аҳолига кўрсатилаётган профилактик тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, мазкур ойлик давомида фертил ёшдаги аёллар, хомилдорлар, болалар билан биргаликда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморлар ҳолидан хабар олиш ва керакли ҳажмда тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни таъминлаш назарда тутилади.

"Патронаж ойлиги" Тошкент шаҳридаги барча туманлар тиббиёт бирлашмаларига қарашли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўтказилади. Тадбирнинг кўламини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида, туман (шаҳар) стационар муассасаларининг ходимлари фаол жалб қилинади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан муассасаларга бириктирилган аҳолини патронаж билан кенг таъминлаш мақсадида участка шифокори ва ҳамширага ёрдам сифатида бошқа йўналишдаги тиббий ходимлар – тор саҳа муассасалари ва уларнинг ҳамширалари жалб қилиниб, тадбир давомида муассасага бириктирилган барча хонадонлар тўлиқ қамраб олинади.

Бунда кўп тармоқли марказий оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий поликлиникаларнинг барча шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари ҳудудларга жадвал асосида бириктирилган ҳолда иш олиб боришади.

Шу билан биргаликда,Тошкент шаҳридаги ижтимоий ҳамда соматик касалликлар бўйича марказ, диспансер ва шифохоналарнинг тиббий ходимлари ҳам ўз йўналишлари бўйича диспансер назоратида беморларнинг уйларида патронажни амалга ошириш учун жалб қилинган.

Патронаж даврида хонадонларга қатновларни амалга ошириш билан бир қаторда мазкур хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, аҳоли саломатлигига ҳамда касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омиллар, бошқа мавжуд муассасаларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш ва бартараф қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига ахборот киритиш ва тегишли чораларни белгилаш вазифалари амалга оширилади.

Шунингдек, кенг омма, маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва корхоналарда касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан тадбирлар ташкиллаштирилиб, улар маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин қизлар қўмитаси "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, ИИБ ходимлари, таълим тизими ва бошқа нодавлат тошкилотлар вакиллари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ҳар бир тиббий ходим ойлик давомида кунига 6 тадан кам бўлмаган хонадонга қатновни амалган ошириши керак, хонадонларда қатнов вақтида қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, аҳоли саломатлигига ҳамда касалликни юзага келтириш мумкин бўлган омилларни, мавжуд муаммоларни аниқлаш.
2. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кекса ёшдаги фуқаролардан хабар олиш.
3. Ёш оилалар патронажи.
4. Ҳомиладорлар ва янги туққан аёллар патронажи.
5. 1 ёшгача болалар патронажи.
6. Ногирон болалар патронажи.
7. Режали вакцинация тадбирлари билан қамралган болалар патронажи.
8. Сурункали касаллиги бор, диспансер назоратидаги беморлар патронажи.
9. Ўқув муассасалари, корхоналар, оилалар ва кенг омма орасида касалликларнинг олдини олиш чоралари ва соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан тарғибот ва тушунтириш ишларини кенг кўламда ташкиллаштириш.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Ниҳоят миллионлаб футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар келди.

Олий лига жамоалари 5 март кунидан жорий йилги футбол мавсумини бошлашади.

Олий лигада янги мавсумда ҳам 16 та жамоа иштирок этади. Пойтахтимиз шарафини амалдаги чемпион "Пахтакор", кумуш медаль совриндори "Локомотив", "Бунёдкор" ҳамда олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоалари ҳимоя қилишади.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги мавсумда ҳам "Пахтакор", "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари фақат юқори ўринлар учун кураш олиб боришади. Шу боис, шаҳримизнинг етакчи жамоалари мавсумга жиддий ҳозирлик кўришди. Ўқув-машғулот йиғинлари нафақат Тошкентда, балки БААда ташкил этилди. Машғулот йиғинлари доирасида бир нечта маҳаллий ва хорижий клублар билан ўртоқлик баҳсларида куч синашган "Пахтакор", "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари футболчиларининг руҳий, жисмоний ҳамда тактик тайёргарликлари мураббийлар синовидан ўтказилди. Шунингдек, етакчи жамоаларимизда селекция ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Дарвоқе, "Пахтакор", "Локомотив", "Бунёдкор" жамоалари Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ баҳсларида иштирок этишмоқда.

Ушбу мавсумда Ўзбекистон Кубогининг саралаш босқичига 14 мартдан старт берилади. Пойтахтимизнинг етакчи жамоалари эса кубок беллашувларини чорак финалдан бошлашади.

Шу ўринда жорий йилда олий лигада иштирок этадиган "Обод" жамоаси ҳам машғулот йиғинларини БААда уюштирганини таъкидлаш лозим. Демак, "Обод" жамоаси ҳам кучлиларга муносиб қаршилик кўрсатишни, чемпионатда кучлилар сафидан ўрин эгаллашни мақсад қилган.

Биз футбол ишқибозларини бошланаётган янги мавсум билан қутлаган ҳолда эътиборингизга 1,2-турлар тақвимини ҳавола этамиз.

1-тур. 5 март (шанба)
"Қўқон – 1912" — "Обод"
"Бухоро" — "Олмалиқ"
"Қизилқум" — "Машъал"
"Металлург" — "Сўғдиёна"
"Бунёдкор" — "Нефтчи"

6 март (якшанба)
"Насаф" — "Шўртан"
"Навбаҳор" — "Локомотив"

7 март (душанба)
"Пахтакор" — "Андижон"

2-тур. 11 март (жума)
"Пахтакор" — "Қўқон – 1912"
"Андижон" — "Локомотив"
"Олмалиқ" — "Насаф"
"Машъал" — "Металлург"
"Сўғдиёна" — "Бунёдкор"

12 март (шанба)
"Обод" — "Бухоро"
"Шўртан" — "Қизилқум"
"Нефтчи" — "Навбаҳор"

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"Соғлом она ва бола йили"да соғлом турмуш тарзини ва оила аъзоларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини тарғиб этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 6 январдаги "Соғлом оила" шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Учтепа туманидаги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Соғлом оила" шиори остида оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

ҒОЛИБЛАР ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Республика оилавий спорт мусобақаларининг Учтепа туманидаги II тармоқлараро босқичида Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси аъзолари бўлган оилалар ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Кўрсатилган натижаларга кўра Рамзиддин Асланов ҳамда Икром Азизовлар оилалари ғолибликни қўлга киритиб, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Мусобақа давомида турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Чунончи, "Энг чаққон оила" номинацияси бўйича Валижоновлар, "Галабага бўлган интилиши юксак оила" номинациясида Кулбаевлар, "Фаол иштирок этган оила" номинациясида Солиховлар оиласи кучлилар сафини бошқарди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Даврон НУРМАТОВ



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич ташкилоти томонидан "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг факультетлараро минтақавий босқичи ўтказилди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Танловда – бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультетининг "101 фоиз кулгу", педагогика-психология факультетининг "Интеллект" ва тарих факультетининг "Ўғлонлар" жамоалари беллашдилар.

— Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти бу каби кўрик-танловларда юксалади, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши раиси Достон Турсунов. — Юртимизда турли соҳаларда ўз иқтидорларини намоён этаётган ёшларимиз сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Албатта буларнинг бари ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайлидир. Ташкил этилган танлов ҳам ўзига хос иқтидорга эга ёшларимизни қўллаб-қувватлаш орқали келажакда ўз ўринларини топишга кўмаклашади.

Танлов давомида иштирокчиларнинг зукколиги, маҳорати ва топқирлигига алоҳида эътибор берилди. Жамоалар чиқишларини малакали мутахассислардан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Натижаларга кўра педагогика-психология факультетининг "Интеллект" жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Зарина РУСТАМОВА

"101"

ОБОДЛИК ОМИЛИ

Озодаликда ҳикмат кўп. Тоза, сариштa хонадонда барака бўлади. Халқимизнинг "Сариштали уй — фариштали уй" мақолида катта маъно мужассам. Айни пайтда хонадону кўчаларни обод этишда уларнинг тозалигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда хазонлардан тозалаш муҳим аҳамият касб этади. Аммо шуни унутмаслик керакки, огоҳлик ҳам ободлик омилидир. Яъни, хазонларни тўплаш, уни маълум жойларга олиб бориш зарур. Энг муҳими, унинг ёниб кетишига жуда эҳтиёт бўлиш зарур.

Чиқиндилардан осонгина "қутулиш" йўли танланаётгани, яъни ёқиб юбориш натижасида катта ёнғинлар келиб чиқаётганини кузатаяпмиз. Бу каби ҳолатлар нафақат инсонларга жисмоний ва моддий зарар етказади, балки атмосферани ҳам ифлослантиради. Чунки ёқиб юборилган хазонлар ёки чиқиндиларнинг узоқ муддат атрофга бадбўй куйинди ҳид таратиб туриши натижасида ҳавода заҳарли, аччиқ тутунлар пайдо бўлиб, бу инсонлар соғлиғига жиддий хавф туғдиради.

Демакки, доимо огоҳ бўлишимиз, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Н.БУРХОНОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 1.07.2015 йилда № 007706-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ART TRANS LOGISTICS" МЧЖ (ИНН 303380404)

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. +99897 400-34-34

Олмазор туманидан рўйхатдан ўтган "AGRO PTITSA SERVIS" МЧЖ (ИНН: 303404689) "GEO PROFIT TRADE" хусусий корхонаси таркибига қўшилишини маълум қиламиз.

Эътирозлар Олтинсой кўчаси, 25-уй манзилида 1 ой мобайнида қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ